



“Тасдиклайман”

кадрларни қайта
тийорлаган ва уларнинг малакасини
тармок маркази

А.Раджиев

29.12.2017 й

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

НИЗОМИ

Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси билан келишилган холда университет илмий кенгашининг 2016 йил 29 декабрдаги № 5(665)-сонли карори билан тасдиқланган

Тошкент – 2017

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 26 сентябрдаги қарори ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2015 йил 26 сентябрдаги 373-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 39 - сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 марта “Давлат ва хўжалик бошқарув органлари махаллий давлат хокимияти органлари ходимларини ахборот камуникация технологиялари бўйича малакасини оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги 73 -сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази (бундан кейин матнда - марказ деб юритилади) фаолиятини белгилайди.

2. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази (кейинги ўринда матнда - бош илмий-методик маркази деб юритилади), Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти (кейинги ўринда матнда – институт деб юритилади) ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети буйруқлари, шунингдек мазкур Низом асосида олиб боради.

3. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган мухрга, ўз эмблемаси, штампи, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигига ҳисоб рақамларига эга бўлади.

4. Марказ олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун давлат бюджетидан йиллик параметрлари доирасида ажратилган маблағлар,

шартнома асосида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишдан тушган маблағлар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағлари, грантлари ҳамда хўжалик ва таълим хизмати фаолиятидан олинган маблағлар, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

5. Марказ Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказга ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетига бўйсунади ва ўз фаолиятини ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Тармоқ марказининг манзили - 100202, Тошкент шаҳар Амир Темур шоҳ кўчаси, 108-үй.

Тармоқ марказининг расмий номи.

давлат тилида: Тошкент ахборот технологиялари университети хузурудаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази - қисқа номи - Тармоқ маркази;

рус тилида: Отраслевой центр переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров при Ташкентском университете информационных технологий - қисқа номи - Отраслевой центр;

инглиз тилида: The branch center for Retraining and In-Service Training of Academic Staff under Tashkent University of Information Technologies - қисқа номи - The branch centre.

II. Марказнинг мақсади ва вазифалари

7. Марказнинг мақсади – ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳамда “Компьютер инжиниринги”, “Дастурӣ инжиниринг”, “Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)” ва “Телекоммуникация технологиялари” таълим йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ва ихтисослаштирилган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек “Ахборот ва коммуникацион технологиялар тизимларини ишлатиш бўйича техник” ва “Ахборот-кутубхона тизимлари (АРМ ходимлари учун)” таълим йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ишлаб чиқариш усталарни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва тошкилот раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш бўйича фаолият олиб боради.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув жараёнларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, турдош олий таълим муассасалари педагог кадрлари таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш, мухандис-техник ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг малакасини ошириш, ўқув жараёнининг сифатини яхшилаш, уларнинг билими ва касбий маҳоратини аниқ йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича республикани тезкор ривожланиб боришига уйғуллаштириш, тармоқдаги инновацияларни таълим жараёнига жорий қилиш,

педагог кадрларга тегишли соҳалар бўйича янги техника ва технологияларни ўзлаштиришларига кўмаклашишдан иборат.

Марказнинг асосий вазифалари:

Олий таълимнинг тегишли йўналишлари бўйича фанларнинг умумкасбий ва маҳсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишни амалга ошириш ҳамда улар бўйича замонавий методик, ахборот-маълумотнома базасини яратиш;

-хорижий мутахассисларни шартнома асосида, шунингдек маҳаллий конструкторлик-технологик муассасалар ва республикадаги йирик корхоналар раҳбарларини таклиф этган ҳолда, энг аввало, юқори ва инновация технологиялари соҳасида олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим дастурларини амалга ошириш;

-таълимнинг ишлаб чиқариш билан самарали ўзаро ҳамкорлигини, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига кўчма машғулотлар, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарга ташрифлар жорий этилишини таъминлаш;

-тармоқ марказда, шу жумладан ишлаб чиқариш, тадқиқот, лойиҳалаш-қидирув тузилмаларининг моддий-техникавий базасидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув ва моддий-техникавий базани яратиш;

-педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг, инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишини, мустақил таълим олишни кенгайтиришини назарда тутувчи техника ва технологияларнинг истиқболда ривожланишини ҳисобга олевчи дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-шартнома асосида сув хужалиги тизими раҳбарлари ва мутахассисларини малакасини ошириш.

III. Тармоқ марказининг мажбуриятлари ва хуқуqlари

8. Тармоқ марказининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги янги таълим йўналишлари ва мутахассисларни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳамда “Компьютер инжиниринги”, “Дастурний инжиниринг”, “Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича)” ва “Телекоммуникация технологиялари” таълим йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ва ихтисослаштирилган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек “Ахборот ва коммуникацион технологиялар тизимларини ишлатиш бўйича техник” ва “Ахборот-кутубхона тизимлари (АРМ ходимлари учун)” таълим йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ишлаб чиқариш усталарни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва тошкилот раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш бўйича фаолият олиб боради., педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини

оширишнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларига мос таълим жараёнини ташкил этиш.

Низомда белгиланган тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида кадрларни тайёрлаш сифатини оширишда уларнинг педагоглари таркиби малакасини ва илмий-педагогик салоҳиятини ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг даражасига мос равишда ривожланишини таъминлаш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширишда тегишли соҳа муассасалари, корхоналари ва ташкилотларнинг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш.

9. Марказ қуидаги ҳукуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси худудида ва хорижий мамлакатларда ўз номидан юридик ва жисмоний шахслар билан ўз ваколати доирасида ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб илмий муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ва хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини оммалаштириб бориш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига бағишиланган илмий-методик журналарда мақолалар чоп эттириш;

таълим тизимини такомиллаштириш борасида турли халқаро ва республика миқёсидаги кўргазма, конференция, семинар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

халқаро таълим ва илмий муассаса ҳамда турли жамоат ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог кадрлари, шунингдек тегишли соҳа муассасалари, корхоналари ҳамда ташкилотлари ходимлари учун шартнома асосида қисқа муддатли қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ва Низомга зид бўлмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириш.

IV. Ўқув ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

10. Тингловчилар:

Марказ директорининг буйруғи билан ўқишига қабул қилинган шахслар тингловчи хисобланади.

Марказ тингловчиларининг ҳукуқлари:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;
- марказ ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;
- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;
- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда тармоқ марказ раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;
- тармоқ марказ миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда катнашиш;

- сифатли ва юқори савияда билим олиш, танлаган йўналиши бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа хукуклардан фойдаланишга ҳақлидир.

Марказ тингловчиларининг мажбуриятлари:

tinglovchilar ўз хукукларини сустеъмол қилмаслиги, бу хукуклардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт;

tinglovchilar марказда мавжуд қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ўқув режаси ва таълим дастурларида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда марказнинг Уставига, Ички меҳнат тартиб қоидалари ва тингловчилар турар жойлари қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

Ушбу Низом ва марказнинг Ички меҳнат тартиб қоидаларida назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда тингловчига нисбатан қўйидаги интизомий чоралар кўрилади: огоҳлантириш ҳамда тингловчилар сафидан четлатиш.

Тингловчилар марказдан қўйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз ҳоҳишига биноан;
- б) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- в) шартнома асосида ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармагани учун (шартнома асосида ўқиётган тингловчилар учун);
- г) ўқув интизомини ва марказнинг Ички меҳнат тартиб-қоидаларini бузганлиги учун.

Интизомий чоралар кўрилган тингловчи ўзига қўлланилган чоранинг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

11. Марказнинг педагог кадрлар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлари:

Марказ директорининг буйруғи билан ишга қабул қилинган шахслар марказ ходими хисобланади.

Марказда бўлим ходимлари, педагог кадрлар, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Педагог кадрларни ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби”га мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Марказ педагог кадрлар таркиби ва ходимлари қўйидаги хукукларга эга:

- марказ фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- ўқитишининг услуг ва воситаларини танлаш, илмий ва ўқув жараёнининг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимларни эгаллаш, танловларда қатнашиш;
- ўзлари ишлаётган лавозимлардан ташқари бошқа таълим муассасаларida ва ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- назарий билимлар, амалий тажрибани такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;
- грантлар, илмий лойихалар ишларини олиб бориш;
- марказ фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишда иштирок этиш;
- маъмуриятнинг буйрук ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш;

-Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигига белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

12. Марказ педагог кадрларининг мажбуриятлари:

-таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, мазкур Низом ва Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш;

-ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

-иш жараённида мулоқот қиласиган муассаса ходимлари, тингловчилари ва бошқа шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;

-иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

-ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) ўқув абдиётлар тайёрлаш, илмий мақолалар ёзиш, таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, мазкур Устав ва марказ Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш;

в) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

-чет тили ва ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириб бориш;

-таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш ва ривожлантириш;

-республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй берадиган янгиликлардан хабардор бўлиш;

-иш берувчининг қонуний - меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

-марказ мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

-иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

-марказнинг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиш;

-илмий ва педагогик жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

-ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

-дарсларни юқори савияда ўтиш;

-ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

-кийиниши маданиятига риоя қилиш;

-фан йўналишига оид янги манбаларни топиш ва улар билан тингловчиларни таништириб бориш;

-ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

-янги педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнида қўллаш;

-таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш;

-назарий билимлар ва амалий тажрибани, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш.

13. Марказнинг барча ходимлари ва тингловчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиъл телефонлардан фойдаланиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий амал қилишлари шарт.

14. Марказ педагог кадрлари ва ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

15. Ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари марказ Ички меҳнат тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

V. Ўқув ва илмий-методик ишлар

16. Марказда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тегишли йўналишлар бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари амалга оширилади.

Олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

17. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим дастурлари доирасида таълим олиш учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган давлат талаблари қўлланилади. Таълим жараёнини ташкил этиш ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари асосида тузилган ҳамда Марказ директори томонидан тасдиқланган машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

18. Ўқув машғулотларининг маъруза, амалий ва семинар, кўчма, тажриба алмашиш ва бошқа шаклларидан фойдаланилади, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари асосида масофавий курслар ўтказилади.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 минутлик танаффусиз жуфт академик соат белгиланади. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камидаги 10 дақиқа бўлади.

19. Марказда тингловчиларга ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

20. Марказда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига таълим сифатини оширишга йўналтирилган илмий-методик ишлар амалга оширилади.

Марказ илмий ишлар режаси бўйича илмий-методик тадқиқот ишларини олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

-фан, техника ва технологик тараққиётнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

-шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

VI. Марказнинг таркиби

21. Марказнинг ташкилий тузилмаси қўйидаги маъмурий ва бошқарув бўлимлардан иборат:

Директор;

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим жараёнини ташкил этиш ва сифатини ўрганиш бўлими;

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим дастурлари ва илғор тажрибани жорий этиш бўлими;

Бухгалтерия.

VII. Марказнинг бошқаруви

22. Марказга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент ахборот технологиялари университети ректори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

23. Директор:

Марказ фаолиятига яккабошлиқ асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларининг бўйруғи ва кўрсатмаларини амалга оширишни ташкил этиш;

-кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини босқичма-босқич амалга ошириш, Давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлаш;

-ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатини ташкил этиш, уларнинг сифатини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини юксалтириш, шунингдек, қонун хужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари, меҳнат шартномасида кўзда тутилган шарт-шароитларни яратиш;

-ходим ва профессор-ўқитувчиларга бажарган иши учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш ҳамда унинг ўз вақтида берилишини таъминлаш;

-меҳнат ва ижро интизоми, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш шарт-шароитини таъминлаш;

-қонунчиликда кўзда тутилган тартибга мувофиқ хўжалик ва молия-иктисодиёт фаолиятини бошқариш, Марказнинг барча моддий-техник базаси ва мол-мулкини саклаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш;

-қонунчиликка, жамоа ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларнинг дам олиш хуқуқи, уларга кафолатли бадал тўловлари тўланишини таъминлаш;

-меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида етказилган зарар учун меҳнат қонунчилигига асосан ходимга ҳақ тўлаш;

-ходимлар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ваколатли органлари хуқуқларини хурмат қилиш, уларнинг фаолиятига қўмаклашиш, меҳнат, илмий тадқиқот ва ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича музокаралар олиб бориши;

-меҳнат кодексига мувофиқ жамоа шартномаларини тузиш;

-штат, бюджет ва ҳисоб интизомига тўғри риоя қилинишини ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи назоратини ташкил этиш;

-мехнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш, муассасанинг молиявий ахволи ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиш;

-ходимларнинг меҳнат таътилини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

-Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини белгиланган тартибда ва муддатда холисона кўриб чиқиши таъминлаш;

-юқлатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ марказ номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, марказ молмулкига масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида марказнинг ҳисоб рақамини очади, марказ мол мулки ва молиявий маблағларидан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича буйруқлар беради;

-барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириклар беради;

-марказ бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлади ҳамда ходимларнинг хизмат вазифаларини белгилайди;

-ўрнатилган тартибда тасдиқланган тузилмага мувофиқ Марказ фаолиятини ташкил этади, амалдаги тузилмасига Вазирлик ва Бosh илмий-методик марказ билан келишилган ҳолда ходимларнинг сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

-Тошкент ахборот технологиялари университети ректори билан келишган ҳолда бўлим бошлиқлари лавозимларига номзодларни тайинлади ҳамда лавозимидан озод қиласи;

-ходимлар билан меҳнат шартномаларини (контрактлари) тузади ва бекор қиласи;

-қонун хужжатларига мувофиқ ходимларни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўради ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллади;

-меҳнат, ижро интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш шарт-шароитини таъминлади;

-марказ фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги хузуридаги Бosh илмий-методик марказга мунтазам равишда ҳисбот берабор боради.

Бўлим бошлиғи лавозим вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек, деректор буйруқларининг бўлимларда бажарилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини тингловчиларга етказиб бориш;

- меъёрий хужжатлар асосида тингловчилар учун таълим жараёнини, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирларни ўрнатган тартибда ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ равишда ўқув жараёнини ташкил қиласи;

- малака ошириш курсларининг ҳуқуқий-меъёрий ва ахборот таъминотини амалга оширади;

- малака ошириш режасининг бажарилишини таъминлади;

- малака ошириш курсларини ташкил қилишни ахборот-таҳлилий кузатилишини таъминлайди;
- ўқув жараёнини ташкил қилиш ва таъминлаш бўйича юқори ташкилотлардан келган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари дарс жадвалларини шакллантиради, ўқув журнallари тўғри юритилишини назоратга олади;
- ўқув машғулотларининг жадвалга асосан ва ўз вақтида сифатли ташкил қилинишини назорат қиласди;
- курсларни олиб бориш сифатини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида бошқа муассасаларнинг шу соҳадаги бўлимлари билан ўзаро алоқа қиласди;
- малака ошириш курсларида ўқув машғулотларини олиб боришга етакчи мутахассисларни таклиф қиласди.
- тингловчиларга малакани ҳимоя қилиш ишлари ва курсни тугатиш ишларини бажариш бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидан илмий раҳбарлар тайинлайди;
- методист иш фаолиятини доимий равиша ташкил қиласди;
- профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан олиб бориладиган таълим жараёнини сифатини ўрганади;
- тингловчилар билимини ҳолис ваadolатли баҳолашни ташкиллаштиради;
- тингловчиларнинг тайёргарлик даражасини кириш ва чиқиш тестлари орқали аниқлайди ва мониторингини олиб боради;
- қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун курсни тугатиш ишларини ўз ичига олган якуний назорат ўтказиш тартибини ишлаб чиқади ва назоратини олиб боради.
- ходимлар ва тингловчиларнинг малака ошириш жараёнларини муҳокама қилишда доимий кенг иштирокини таъминлайди, муассаса иши сифатини ички баҳолаш доирасида даврий сўровномалар ўтказиб боради, методик семинарлар ва ўқитишнинг бошқа турларини ташкил қиласди;
- муассасада сифат менежменти тизимини юқори савияда ишлаб чиқишини ва доимий такомиллаштириб боришни таъминлайди;
- малака ошириш давлат талаблари меёrlарига риоя қилинишини назорат қиласди;
- меёрий хужжатлардан тўғри фойдаланиш ва уни такомиллаштиришни назорат қиласди;
- ички аудит, сифат мониторинги ва уларнинг натижаларидан бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда малакали фойдаланиш имкониятларини таъминлаш бўйича тадбирлар тизимини амалга оширади.
- марказ билан корхона, ташкилот, муассаса ўртасида ўқув йўналиши бўйича манфаатли ҳамкорликда тузилган шартномаларини амалга ошириб бориш
- ўтилаётган дарсларнинг сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий режаларини бажарилишини таъминлаш
- тингловчиларнинг параметридан келиб чиқиб профессор-ўқитувчилар таркибини аниқлайди, ўқув йили учун штатлар жадвалларини тузади ҳамда ўқув жараёни ташкил этиш ва сифати бўйича хисоботларни тайёрлайди;

Бўлим услубчисининг лавозим вазифалари

- ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларининг, Ҳайъат ва Илмий кенгаш қарорлари ва бошқа таълим соҳасидаги меъёрий хужжатларнинг мониторингини ташкил қилиш

- меъёрий ҳужжатларнинг ижроси ва мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни тегишли вазирликка ўз вақтида ва сифатли тақдим этиш малака оширишга келадиган тингловчиларни режа бўйича қабул қилиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш

- ўқув режаларига асосан дарс жадвали тузиш
- марказда ўтиладиган дарсларни назорат қилиш
- давоматни текшириш

- профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларини акс эттирувчи қайдномаларни, тингловчилар гурӯҳ журнallари ва ўқув варакаларини мунтазам равишда текшириб бориш

- профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-методик юкламаларини бажарилиши, назарий, амалий, кўчма машғулотлар, тажриба алмашиш ва мустақил таълим, малакани ҳимоя қилиш иши ҳамда бошқа ўқув методик ишларни режа асосида ташкил этади;

- марказда штат, ўриндошлик ва соатбай асосида ишлаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини режалаштириш ва унинг бажарилишини таъминлайди;

- тингловчиларни малакани ҳимоя қилиш иши мавзуларини танлаш, уларни илмий раҳбарларга бириктириш хақидаги буйруқларни тайёрлайди;

- бўлимда мавжуд бўлган барча ҳужжатларни сақланишини тартибга солади;

Бўлимдан чиқадиган ва келадиган ҳужжатларни маълумотлар дафтарига қайд этади;

- модемограммалар, марказга келган хатларни ижросини таъминлайди ва ёзма жавоблар тайёрлайди;

- университет ходимлар бўлими ва девонхона билан доимий алоқада бўлади;

- ўриндошлик асосида ва соатбай ишловчи профессор-ўқитувчиларни юкламасини бажариш ва соатбай ҳақ тўлаш ҳисоботини олиб боради;

- дарс қолдирган тингловчилар бўйича тегишли бўлим бошлиғига ёзма ахборот беради;

Мухандис – дастурчининг лавозим вазифалари

- компьютер воситаси билан қўйилган топшириқни бажариш имкониятини таъминловчи, уларни мослаштиради ва синовдан ўтказади;

- компьютер воситаси билан ишлашга таалуқли маълумот, унинг ҳажми, тузилиши, лойиҳаси ва киритиш тизимлари, ишлов бериш, сақлаш ва узатиш, назорат услубларини белгилайди;

- дастурларни иш мақсадига мувофиқлигини тўлиқ текширишни таъминловчи, берилган ҳажмини белгилайди;

- қўйилган масалалар шарти билан белгиланган маълумотларни киритиш ва йўлга қўйилган дастурни ишга туширишни амалга оширади;

- дастурлар билан ишлаш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқади, зарурый техник ҳужжатларни расмийлаштиради;

- тайёр дастурлардан фойдаланиш имкониятларини аниқлайди;

намунавий ва стандартли дастурий воситаларни, дастурларнинг тўғрилигини автоматик текшириш тизимини ишлаб чиқади ва жорий этади, маълумотни ишлаш технологиясини тузади;

- стандарт дастурлар картотекаси ва катологини яратишда, ҳужжат шаклларини таҳлил қилишда, ҳисоблаш техникасини қўллаш соҳасини кенгайтиришга имкон берувчи дастурларни лойиҳалаштиришда иштирок этади.

- хизмат мажбуриятлари: компьютер воситаси билан қўйилган топширикни бажариш имкониятини таъминловчи, иқтисодий ечимлар алгоритми ва бошқа масалалар дастурини математик моделлар асосида ишлаб чиқади, уларни мослаштиради ва синовдан ўтказади;
- маълумотни ишлашни барча босқичлари бўйича масалаларни ечиш технологиясини ишлаб чиқади;
- компьютер воситаси билан ишлашга таалуқли маълумот, унинг ҳажми, тузилиши, лойиҳаси ва киритиш тизимлари, ишлов бериш, сақлаш ва узатиш, назорат услубларини белгилайди;
- дастурларни иш мақсадига мувофиқлигини тўлиқ текширишни таъминловчи берилган назорат мисоллари ҳажми ва мазмунини белгилайди;
- қўйилган масалалар шарти билан белгиланган бошланғич маълумотларни киритиш ва йўлга қўйилган дастурни ишга туширишни амалга оширади;
- дастурлар билан ишлаш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқади, зарурий техник хужжатларни расмийлаштиради;
- тайёр дастурлардан фойдаланиш имкониятларини аниқлайди;
- намунавий ва стандартли дастурий воситаларни, дастурларнинг тўғрилигини автоматик текшириш тизимини ишлаб чиқади ва жорий этади, маълумотни ишлаш технологиясини тузади;
- стандарт дастурлар картотекаси ва катологини яратишда, хужжат шаклларини таҳлил қилишда, ҳисоблаш техникасини қўллаш соҳасини кенгайтиришга имкон берувчи дастурларни лойиҳалаштиришда иштирок этади.

Молия-иктисодиёт бўлими Бош бухгалтер (ҳисобчи) лавозим вазифалари

- марказнинг молиявий-иктисодий ва маъмурий фаолият билан боғлик мақсад ва вазифаларни, уларни амалга ошириш воситаларини белгилайди ва шакллантиради, Марказнинг камроқ ҳаражат қилган ҳолда юқори натижаларга эришишга қаратилган фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва мувофиқлаштиришни амалга оширади, тақсимот, назорат-баҳолаш ва бошқа вазифаларни бажаради, иш юритишни ташкил этади, молиявий ҳолат ва фаолият натижаларини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш, комплекс ҳисоб юритишни таъминлади, барча турдаги заҳиралардан унумли фойдаланиш, буюртмаларни ўз вақтида бажарилишини, молиявий интизомга амал қилинишини, ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилишини назорат қиласди.
- молиявий-иктисодий кўрсаткичларни, маъмурий ишларни яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва жорий этади, ҳисоб ва назоратни таъминлади.
- марказ молиявий фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 1998 йил 14 август 474-рақамли «Ҳисоб-китоб сиёсати ва молиявий ҳисбот» бухгалтерия ҳисоб-китоби №1 миллий стандарти асосида ташкил қиласди, бюджет бандлари классификациясининг ягона норматив базасини мукаммаллаштиради, молия интизомига риоя қилишни амалга оширади.
- марказ бюджетини режалаштириш, ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисботларни тайёрлашни асосий низомлар ва қонунлар талаби даражасида амалга оширади.
- илмий кенгаш мажлисларига бюджет ва нобюджет маблағларининг кирими ва чиқими тўғрисида ахборотлар, молиявий фаолиятининг натижалари тўғрисида ҳисботлар киритади.

- марказнинг мол-мулкидан самарали фойдаланишни бошқаради, асосий воситалар ва материалларни ҳисоб-китобини, моддий қийматга эга материалларни ҳар йили инвентаризация қилишни таъминлайди.

- марказнинг барча молиявий-хўжалик фаолиятини аниқ бухгалтерия ҳисоб-китобини таъминлайди.

- бухгалтерия ҳисоб-китоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий хукуклар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўла ва аниқ маълумотларни шакллантиради.

- мажбурий равишда ўтказилиши керак бўлган маблағларни (солик ва бошқалар) ўз муддатларида ва тўғри бўлишни таъминлайди. Умумий молиявий ҳисботни тайёрлайди ва тегишли ташкилотларга ўз муддатларида топширади.

- пул воситалари ва ҳисоб-китобларнинг ҳаракати бўйича операцияларни тўғри ва ўз вақтида хужжатлаштиришни, Марказ ғазнасидаги нақд пулларни ва қимматли қоғозларни сақлашни, маблағларни қатъяян мақсадли йўналтирилганлиги бўйича ишлатишни, бюджет, банк, ходимлар ва бошқа муассасалар билан ўз вақтида тўғри ҳисоб-китоб қилишни, харидорлар ва таъминотчилар билан ҳисоб-китоб қилиш шаклларига риоя қилишни ташкил қиласди.

- кредиторлар ва дебиторлар билан муддати ўтиб кетган қарзларга йўл қўймаслик мақсадида ўз вақтида текширувларни ўтказади.

- давлат солик инспекциясига, нафақа фондига, меҳнат биржасига молия органлари га тақдим этиладиган ҳисботларни сифатли ва ўз вақтида тайёрлаб топширишни таъминлайди.

- “Бухгалтерия ва молия-иктисодиёт бўлими” фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади.

- қўлостидаги ҳар бир ходим бажариши керак бўлган вазифаларни аниқ бўлиши уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида ходимларга хизмат вазифаларини тақсимлаб беради.

- бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Низом, услугбий қўлланмалар, буйруқлар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритади.

- марказнинг яроқсиз ҳолга келган асосий востилари ҳисобини юритади, уларни ҳисобдан чиқариш тартиб қоидалари га қатъий риоя қилган ҳолда буйруқларини тайёрлайди.

- моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳисобини ташкил этиш уларни қайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация) услугбий кўрсатмалари га асосан йиллик қайта рўйхатдан ўтказишнинг тартиби ва муддатларини белгилайди.

- касса иши устидан доимий назорат олиб боради. Марказ бўлимлари №2-сонли мемориал ордерини тузади, хизмат сафарлари бўйича ҳисботларни қабул қиласди.

Билиши лозим: Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия”га оид шунингдек молиявий, хўжалик ва солик қонунчилигини, юқори турувчи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобига оид барча қарорлари, фармон ва фармойишлари, йўриқномалари, методик услубларини, бухгалтерия ҳисботлари шакллари ва уларни тузишни билиши керак.

- Марказнинг молиявий фаолиятини ташкил этиш бўйича юқори турувчи идораларнинг қарорлари, фармонлари, буйруқлари ва бошқа услугбий, норматив, етакчи материалларни, молиявий фаолиятни ташкил этишини, давлат бюджетидан молиялаш, кредит бериш, давлат бюджетига тўловларни ўтказишни, маблағ жамғармаларини шакллантириш, айланма маблағларни меъёrlаш, бухгалтерия ҳисобини, Марказ тузилиши ва уни ривожлантириш истиқболларини, инвентаризация ўтказиш тартибини, ўз лавозим вазифаси билан боғлиқ норматив-хукуқий хужжатларни, соҳага оид зарур бухгалтерия хужжатларни расмийлаштиришни,

- Мехнат муҳофазаси, ёнғинга қарши, техника хавфсизлиги қоидаларини ҳамда Марказ ички тартиб қоидаларини билиши лозим.

VIII. Марказ фаолиятини молиялаштириш ва унинг моддий-техник таъминоти

24. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари қўйидагилар:

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун давлат бюджетидан йиллик параметрлари доирасида ажратилган маблағлар;
шартнома асосида ўқитишдан тушган маблағлар;
шартномалар асосида таълим ҳизмати ва хўжалик фиолиятидан тушган маблағлар;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз хоҳишига кўра қилган ҳадялари ва мақсадли бадаллари;

қонунчиликда таъкидланмаган бошқа манбалар.

25. Марказ зарур ҳолларда университетнинг шунингдек, бошқа соҳа корхона ва ташкилотларининг моддий-техник базасидан фойдаланиши мумкин.

IX. Якуний қоидалар

26. Марказ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда қўйидагиларга жавоб беради:

-унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
-таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
-таълим жараёни вақтида тингловчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиги муҳофазаси;
-тингловчилар ва марказ ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;
-Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

27. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

28. Низомга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ўрнатилган тартибда келишилган холда ишлаб чиқилган.